Ушбу сонда:

2 — *Фақат у азиз бўлса* МИЛЛАТ АБАДИЙ ЯШАЯЖАК

3 — СИТОРАИ МОҲИ ХОССА

4 — ҚАНДАЙ ГЎЗАЛ БУ ОЛАМ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

UZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 24 август, сешанба № 117 (764)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ФАРМОЙИШИ

***Измит зилзиласи оқибатларини бартараф этиш бўйича қутқарув ишларини ўтказишда ёрдам кўрсатиш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарувчилар отряди икки ҳафта муддатга махсус асбоб-ускуналар ва анжомлар билан Измит шаҳри /Туркия Республикаси/га юборилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Давлат божхона қўмитаси зарур чиқиш ҳужжатлари ва илова қилинадиган ҳужжатларнинг божхона йиғимлари ва бож ундирмаган ҳолда белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласинлар.

3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси қутқарувчилар ва улар билан бирга жўнатиладиган асбоб-ускуналар ва анжомларни Тошкент-Истамбул-Тошкент йўналиши бўйича махсус рейс билан етказиб берсин, хизмат кўрсатиш харажатларини компаниянинг асосий фаолиятига киритсин.

4. Қуйидагилар:

Қизил ярим ой жамияти миллий кенгашининг мурувват ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги;

жабр кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича Туркия Ишчи Банкининг Болғот бўлимидаги махсус ҳисоб рақамига умумий суммаси 200 минг АҚШ доллари, шу жумладан: «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси томонидан - 100 минг АҚШ доллари ва «Ўзавтосаноат» уюшмаси томонидан - 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағларини ўтказиш тўғрисидаги;

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Асака» банкининг қутқарувчилар отрядининг ишларни олиб бориш давридаги хорижий валютадаги харажатларни кўрсатиб ўтилган банклар маблағлари ҳисобидан маблағ билан таъминлаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 23 август.

## *Истиқлол - бизнинг тақдиримизда*

**Кечаги кунидан ҳадеб нолийдиган одам келажагини йўқотиб қўйиши мумкин. Бироқ, эртанги куннинг қадрига етиш учун кечаги кун сабоқларини унутмаслик керак.**

**Бир даврада анчайин зиёли, ўқимишли одам билан суҳбатлашиб қолдик. У яқин ўтмишдаги тўкинчиликни қўмсашини, бугун бировлар «қутуриб» кетаётгани, бировлар қамбағаллашиб қолаётганини айтиб, хасрат қилди. Бу гапни умрида китоб ўқимаган, керак бўлсам мени давлатнинг ўзи боқиб олсин, дейдиган ношуд одам айтса, унчалик эътибор қилмаслигим мумкин эди. Бу киши эса, ёши улуғ, оқ-корани таниган одам эди. Шуниси оғир ботди.**



Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# КЕЧА ВА КУНДУЗ

- Бўлмаса, айтинг-чи, биродар, собиқ шўролар давлатининг қайси мамлакати «гуллаб-яшнаб» кетди? Қайси мамлакатда кексаларнинг нафақаси биздагидек ойма-ойига, бир кун ҳам кечиктирмай етказиб беріляпти? Қайси мамлакатда давлат хазинасидан биздагидек кўп улуш ижтимоий ҳимоя учун ажратиляпти? Ўтиш даврининг мушкуллиги қайси юртни четлаб ўтяпти? Мустақиллик шахсан менга нима берди, деб ўзингиздан бирон марта сўраб кўрдингизми?

Ҳамсуҳбатим бу саволларга тузук-қуруқ жавоб беролмади. Қизиқ, мана шу оддий саволни ўйлаш негадир ҳар доим ҳам хаёлимизга келавермайди.

Чиндан ҳам Мустақиллик Сизга, менга, умуман, мана шу заминда яшаётган одамларга нималар берди?

Эсингизда бўлса, саксонинчи йилларда «Рус тили - иккинчи она тилимиз!» деган шиор ўртага ташланди. Албатта, одам қанча кўп тилни билса, шунча яхши. Тил билган - дил билади. Мен рус тилини теран ҳурмат қиламан. Жаҳон адабиёти дурдоналарини рус тилида ўқиганман. Лекин одатда одамнинг онаси битта бўлганидек, она тили ҳам битта бўлади! Қолаверса ўша кезлари ўзбек мактабларининг юқори синфларида ўзбек тили ва адабиётини қисқартириб, ўрнига рус тили ва адабиётини ўқитиш керак, деган гаплар пайдо бўлди. Бу, энди, бир тилни иккинчи тилга қарши қўйишнинг ошкора усули эди. Русийзабон мактабларда ўзбек тилини ўқитишга «мингинчи» даражали нарса сифатида қаралардн. Бу эса мана шу заминда туғилиб ўсаётган қардош халқлар фарзандларининг ўз Ватани саналмиш юрт тилига, бой тарихи ва маънавиятига бегонасираб қарашини шакллантирмаслиги мумкин эмас эди. Аммо шу оддий ҳақиқатни айтсангиз, «миллатчи» бўлардингиз.

Сатин деган «даҳо» мажлисларда ўзбекча бир оғиз гапирсангиз, «одам тушунадиган тилда гапиринг!» деб дағдаға қиларди. Гўё у аллақайси гўрдан келиб Тошкентнинг хўжайини бўлиб олганию, менинг тилимни билмагани ва билишниям хоҳламагани учун мен айбдордек!

Ўша кезлари олис вилоятлардан бирига, машъал хўжаликка бордик. Колхозчилар билан учрашув қилдик. Колхоз раиси ёши бир жойга бориб қолган тажрибали деҳқон экан. Учрашувни мажлисга айлантириб юборди. Хўжалик эришган ютуқлар ҳақида гапирди.

- Тавариш колхозники, пилон хлопка гатоп. Пилон кўкана гатоп. Пилон маса гатоп. Пилон живот... живот... живот...,- дедию, тутилиб қолди. «Животноводство» деган сўзни айтгунча терлаб кетди, шўрлик! Секин тирсагидан тутдим.

- Ўзбекча гапираверинг, оқсоқол, залда ўтирганлар ўзбекку, - десам, астойдил ранжиди.

- Иби, бу announced... 

- Иби, бу аписалний сабрани, ука!

... Бундан уч йил аввал Нью-йоркдан қўнғироқ қилишди. «Икарус» журналида «Тушда кечган умрлар» романимдан боблар нашр этилаётганини, муаллиф сифатида расман рухсат беришимни сўрашди.

Мен астойдил ҳайрон бўлдим.

- Асар рус тилида чиқмаган-ку!

Журнал муҳаррири мендан баттар ҳайрон бўлди.

- Нима, романингизни ўзбекчадан инглизчага таржима қилиб бўлмайдими?

... Ўйлаб қарасам, менинг ҳам ўша раисдан фарқим йўқ экан...

... Арман йигити Артур Григорян ҳар сафар бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлганида Ўзбекистон Байроғи ҳилпираяпти. Истараси иссиқ бу йигит ҳар гал она юртига ғалаба билан қайтганида «Мен Ўзбекистон фарзандиман, мен Тошкентнинг боласиман», деган сўзларни ўзбек тилида айтяпти.

Истиқлол менга ОНА ТИЛИМни қайтариб берди! Тилимнинг нуфузини ошириб, қаддини тиклаб қўйди. Шунинг ўзи бахт эмасми?

... 1990 йил март ойида «Шарқ Юлдузи» журналида муқаддас Китоб - Қуръони каримнинг ўзбекча таржимаси босила бошлади. Шунда, бир томондан айрим академиклар, иккинчи томондан ҳоҳил диндорлар ҳуруж қилиб қолди. Масала чигаллашиб, нашр тўхтатиладиган аҳволга келди. Охири шахсан Ислом Каримовга мурожаат этишга мажбур бўлдим.

Ислом Абдуғаниевич гапимни охиригача эшитиб, қатъият билан айтди:

- Ўша атеист академикларингиз ҳам, жоҳиллар ҳам бекор айтибди! Бу хайрли ишни тўхтатманг!

... Наманганда ихчамгина, кўҳликкина обида бор. Улуғ шоир Машрабнинг устози Мулла Бозор охунд мадрасаси. Биласиз, мустабид замонда мачит, черков, мадраса бузиш бўйича мусобақа бўлган... Бу обида эса омон қолган. Уни бузишмаган, ёқишмаган. Фақат... чўчқахона қилиб қўйишган...

Истиқлол менга ЭЪТИҚОДИМни қайтариб берди! Шунинг ўзи бахт эмасми?

Эслаб кўринг. Етмишинчи йилларда «Пахта - ўзбек халқининг миллий ифтихори!» деган шиор одамдек-одамдек ҳарфлар билан ёзиб қўйиларди. Аввало, пахта қайсидир халқнинг миллий ифтихори дейилиши ғалати. Миллий ифтихор бошқачароқ бўлади. Масалан, Данте - италянларнинг, Шекспир - инглизларнинг, Лев Толстой -русларнинг, Навоий - ўзбекларнинг миллий ифтихори, десак, тўғри бўлади, Пахта эса - бойлик. Шундай экан «Пахта - ўзбек халқининг миллий бойлиги!» деса бўлмасмиди? Бўлмас эди! Бундай деса, пахтанинг эгаси пахтакорнинг ўзи, деган маъно чиқиб қоларди. Пахтанинг эгаси хов нарида - марказда эди... Орадан беш-ўн йил ўтиб, кимнингдир калласи ишлаб қолди шекилли, шиор ўзгарди. «Пахта - Ўзбекистоннинг интернационал бурчи!» Қаранг, қандай чиройли! Пахта етиштириб, керакли жойга топширмай кўр-чи! Осмон баравар планни бажармай кўр-чи! Бажармасанг, қамаласан! Бажарсанг, қўшиб ёзасан. Қўшиб ёзсанг, яна қамаласан!

Шундай бўлди. Аввал марказдан минг уринган билан бажариб бўлмайдиган топшириқ берилди, бажарасан, деган зуғум бўлди. Сўнг Гдлян, Иванов деган жаллодлар қилич кўтариб келди. Ҳўлу-қуруқ баравар ёнди. Қалбаки, «показание»га қўл қўймасанг, қизингни зўрлаймиз, келинингни рецидивистларга қўшиб қўямиз, деб, қанча бегуноҳлар бадном қилинди. «Адолатпеша»ларнинг ўзи соддакамбағалнинг келинига атаб қўйган охирги узугигача ташмалаб кетди. Икки орада «ўзбек иши» деган «тарихий» ходиса дунёга достон бўлди. Бутун бошли халқнинг номи тупроққа қориштирилди.

Инсоф билан айтингчи, Мустақиллик бўлмаганида ўша кезлари тазйиқ остида қалбаки кўрсатмага имзо чеккан ва ўн беш йилга қамалган махбус юртига қайтиб келармиди? Гдлян бўлмаса Апресян, Иванов бўлмаса Петров, Аҳмедов бўлмаса Тошметов марказнинг бир имоси билан Ўзбекистон бошида тағин қамчи ўйнатмасди, деб ким кафолат беради? Ўша йиллари «чекланмаган» ҳуқуқларга эга бўлиб, «чекланмаган» зулмлар қилган Гдлян ва унинг шайкаси бугун Ўзбекистонга бурнини суқиб кўрсин-чи!

Истиқлол менга ЭРКИМни қайтариб берди! Шунинг ўзи бахт эмасми?

Бугунги кунимиздан нолиб гапирган ўша биродар бу сатрларни ўқиётган бўлса, бир нарсани айтмоқчиман. Мустақиллик бизга берган неъматлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Юртимизда истиқомат қилаётган барча фуқаролар учун, миллатидан, тилидан, динидан қатъи назар тенг ҳуқуқ берилгани, ҳамма ака-ука бўлиб, катта бунёдкорлик ишлари қилаётгани, Ватанимиз жаҳон миқёсига чиққанини ҳамма кўриб турибди. Мен истиқлол берган атиги уч неъматни айтдим холос. Тўғри, турмушимизда тақчилликлар, катта-кичик муаммолар ҳам етарли. Уларни биров инкор қилаётгани йўқ. Бироқ, бир нарсани аниқ айтишим мумкин. Мен ақалли мана шу уч неъматнинг биронтасини ҳеч қандай хазинага алишмайман! Юртим Озод бўлгани, менинг Инсон бўлганим мен учун энг бебаҳо бойлик!

Кўнглингизга келмасинку, биродар, энди Сиздан ҳам бир нарсани сўрагим келади. Сизнинг ўзингиз Истиқлол йўлида нима қилдингиз? Эртанги кунимиз янада нурлироқ бўлиши учун қандай улуш қўшдингиз? Мен-чи? Мен нима қилолдим? Бу ёғини ҳеч ўйлаб кўрдикми? Қачон ўйлаймиз?!

(ЎзА)

## КИТОБЛАР НАМОЙИШИ

*Қашқадарёда мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллигига бағишланган китоб байрами бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари - таниқли адабиёт ва маданият намоёндалари, нашриётлар ва китоб савдоси раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари Қарши шаҳридаги «Қашқадарёкитобсавдо» акционерлик жамиятининг «Зиё маскани» дўконида ташкил этилган китоблар ярмаркасини кўздан кечирди. Бу ерда республикамиздаги барча йирик нашриётларнинг энг яхши китоблари намойиш этилди.*

*Сўнгра китоб байрами Шаҳрисабзда давом этди. Бу ерда ижодкор зиёлилар, шоиру ёзувчилар, жамоатчилик вакиллари билан учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтди.*

(ЎзА)

## *Ўзбекистон Республикасининг 8 йиллик байрами муносабати билан ўзбек халқига*

# ТАБРИК

Узоқ ер ва яқин диллардан ҳур мустақил Ўзбекистон демократик давлатининг 8-йиллик байрамини жон ва кўнгилдан муборакбод этамиз.

Бу мустақиллик байрамини Ҳақ Субҳано ва Таоло Ўзбекистон халқи учун абадий, мангу қилсин. Омин баҳурмати Саиди аль-мурсалийн.

Пок отадан бўлган ўзбек халқи учун мустақилликдан сўнг олинган ҳар бир нафас бир умрга тенгдур. Оллоҳ Таоло ўзбек халқини бу Мустақиллик неъматидан жудо қилмасин! Бу буюк ва бебаҳо туҳфани Ўзбекистон халқига олиб келган ҳурматли Ислом Каримов жанобларининг умрлари узоқ, йўллари очиқ, душманлари сарнугун бўлсин.

Яшасин 8 йиллик Ўзбекистоннинг Мустақиллик байрами ва Ўзбекистон халқи ва унинг Юртбошиси!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу.

Саудия Арабистонида яшовчи ватандошлар:

**Тўрахон Тўра, Мелибек, Мўминжон, Аҳмадали, Абдулҳамид Маҳдум, Олимжон, Абдураҳмон Хўжа, Хуршидбек , номларидан эҳтиром билан Сафохон ТЎРА**

**Саудия Арабистони,**
**Жидда шаҳри**

## *Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигидан:*

# ЎШ ВИЛОЯТИНИНГ БОТКЕНТ ТУМАНИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

20 август куни ўзбек, тожик, араб, пуштун миллатларига мансуб, шунингдек, ҳозирча миллати номаълум, ўзаро инглиз тилида сўзлашувчи 50 нафарга яқин жангари Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятининг Боткент тумани ҳудудига бостириб кирди.

Тонг саҳарда жангарилар Тожикистон билан яқин чегарадош /4-5 чақирим/ бўлган, Олой тизмасининг Қирғизистон ҳудудидан ўтувчи Кўксув дарёси атрофидаги «Абрамов музлиги» яқинида жойлашган Ўзбекистон Республикасининг Гидрометеорология марказига қарашли метеостанцияга кириб келди. Улар метеостанциянинг 10 нафар ходими ва 5 нафар маҳаллий сайёҳни гаровга олди, уларнинг шахсий ҳужжатлари, пуллари, кийимбошлари, метеостанцияда мавжуд бўлган озиқ-овқат ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини тортиб олиб, ўзларини ҳайдаб юбордилар.

21 август куни жангарилар гуруҳи тоғ даралари орқали тушиб, Қирғизистоннинг Боткент туманидаги Зардоли, Жилисув ва Хўжа Ачкан аҳоли манзилларини эгаллади.

Бундан ташқари, қуролланган гуруҳ Боткент туманининг Олтин жилға қишлоғида жойлашган геология-қидирув экспедициясига ҳужум қилиб, унинг мол-мулкини, шу жумладан, иккита «Жип» русумли автомашинасини тортиб олиб, тўрт нафар Япония фуқароси ҳамда таржимонни гаровга олган.

22 августдан 23 августга ўтар кечаси 40 нафарга яқин жангари Боткент туманининг Кон шаҳарчасига ҳужум уюштирган. Жангарилар шу тумандаги Олтин жилға қишлоғини жангарилардан ҳимоя қилишга келган Қирғизистон Республикаси ИИБ Ички қўшинлари бригадаси қўмондони, генерал А.Шанкеевни ҳам ҳанузгача гаровда ушлаб туришибди.

Олинган маълумотларга кўра, юқорида номи зикр этилган аҳоли пунктларида истиқомат қилаётган кишилар орасида қурбонлар бор, маҳаллий маъмурият вакилларидан бир неча киши гаровга олинган.

Боткент туман марказига 250 га яқин киши қочиб ўтган. Қирғизистон ва Ўзбекистон қуролли кучлари жангариларнинг бундан буёнги ҳаракатларининг олдини олиш ва уларни Қирғизистон ҳудудидан сиқиб чиқариш бўйича ҳамкорликда тадбирлар ўтказмоқдалар.

Маълумотларга кўра, Тожикистон ҳудудидан жангариларга қўшимча қуролланган кучлар жўнатилаётгани сабабли Тожикистондан Қирғизистоннинг Зардоли аҳоли пунктига ўтиш имконини берувчи тоғ йўллари портлатилган, айни пайтда у ердаги манзилларни Қирғизистоннинг Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари назорат этмоқда.

* * *

Жиноятқор тўдалар солаётган таҳдид ва хавф-хатарга ўз вақтида чек қўйилмаса, эртанги кунда воқеалар ривожи Доғистон ва Чеченистон чегарасида бўлаётган можаролар каби тус олиши эҳтимолдан холи эмас.

Қардош Қирғизистоннинг Ўзбекистонга чегарадош ҳудудларида юз бераётган воқеалар бизни қаттиқ ташвишга солмоқда. Шу муносабат билан биз халқимизни, жамоатчилигимизни ҳушёрлик ва сергакликка чақирамиз.

Ўзбекистон раҳбарияти топшириғига биноан чегара қўшинлари ва тегишли ҳарбий кучлар тарафидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

## *Шошилинч нома*

# «АФРОСИЁБ»НИНГ ЯНА БИР ЮЛДУЗИ

«Ўзбектуризм» миллий компаниясига қарашли Самарқанддаги «Афросиёб» меҳмонхонаси нуфузли мукофот - «Сифат учун Халқаро Олтин Юлдуз» эгаси бўлди. Мадриддаги «Business Initiative Directions (BID) компанияси қароргоҳидан меҳмонхонага шу совин берилгани ҳақида мактуб келди.

Мактубда BID компанияси ва JBAN гуруҳи чорак аср мобайнида жаҳондаги 144 мамлакат компанияларига мукофот бергани хабар қилинади. «Сифат учун Халқаро Олтин Юлдуз» сингари совриннинг берилиши - корхона ёки ташкилот ишининг юксак даражада эканини, уларнинг маҳсулот ва хизмати халқаро сифат андозаларига мос келишини эътироф этишдир.

Ўзбекистон компаниясига бу мукофотнинг берилиши айни пайтда унга ўзининг корпоратив қиёфасини қўллаб-қувватлашда жаҳондаги энг йирик ташкилотлардан бири мақоми берилишини билдиради. «Афросиёб» меҳмонхонаси ҳамда бу ерда кўрсатилаётган хизматларнинг халқаро миқёсда эътироф этилиши мамлакатимиздаги туризм бозорини янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Мукофот октябр ойининг охирида Женева (Швейцария)да ўтказиладиган Олтин Юлдузни топшириш бўйича 24-халқаро конвенция маросимида тақдим этилади. Бу тантанада турли мамлакатлардаги йирик компанияларнинг етакчилари, машҳур олимлар, иқтисодчилар, сифат бўйича экспертлар иштирок этади.

(ЎзА)

## *Соғлом авлод учун*

**Инсон саломатлиги учун жисмоний ҳаракат-бадантарбиянинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Дунё тиббиёт илмининг асосчиларидан бўлган буюк Абу Али Ибн Синодан бошлаб ҳозирги олимларгача бу ҳақда кўп ҳикматли фикрларни билдирганлар.**

# ЧЕМПИОНЛАР КЎЧАДАН, МАКТАБДАН ЧИҚАДИ

Ҳар бир киши ўзи танлаган спорт тури билан мунтазам шуғулланса, ўз устида ишласа, дунёни лол қолдирадиган даражада катта ютуқларга эришиши мумкин. Эндиликда спортчиларимиз жаҳон спорт майдонларига чиқмоқдалар, маҳоратларини кўрсатиб, ўз байроғимиз ва мадҳиямизни қайта-қайта дунёга танитмоқдалар, олтин медаллар олиб келмоқдалар.

— Бу не бахтки, - дейди Бекобод шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Маъмуржон Алиқулов, - Бизнинг кичик шаҳримиздан ҳам дунё олқишига сазовор бўлган спортчилар чиқдилар. Германияда бўлиб ўтган мусобақаларда ёш каратэчиларимиз, мактаб ўқувчилари Азим ва Фаррух Абдумавлоновлар ўз тенгдошларидан устун эканликларини майдонда намойиш этиб, иккаласи ҳам олтин медалга сазовор бўлдилар. Уларнинг мураббийси, оталари Абдумўмин Абдумавлонов ҳукуматимизнинг II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди. Ҳозирги кунда 60 нафар каратечи Абдумўмин раҳбарлигида ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Умуман, 122 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган шаҳримизда спортнинг 16 тури бўйича 22368 нафар турли ёшдаги ишқибозлар шуғулланиб келишмоқда.

— Шаҳарда спортнинг қайси тури кўпроқ оммалашган ва шуғулланувчиларга қандай шароитлар яратиб берилмоқда?

— Бизда ҳам футбол энг оммавий турлардан бири ҳисобланади. Металлургия комбинатининг «Металлург» жамоаси Республика миллий чемпионати олий лигасида ўз маҳоратларини кўрсатиб келмоқдалар. Алексей Карпов, Яков Капров, Усмон Асқаралиевлар 30 нафар чарм тўп усталарига раҳбарлик қиладилар.

«Бекободцемент» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Цементчи» футбол жамоаси ҳам иккинчи лига аъзолари ўртасида ўз маҳоратларини намойиш этиб, олий лигага йўлланма олиш ҳаракатида. Бизни хурсанд қилган яна бир янгилик - Бекобод автобус, такси ҳиссадорлик жамоаси каратэчилар клубини қайта жиҳозлаш ва тўгаракларни ташкил этишга ҳомийлик қила бошлади. Афсуски, бундай мисоллар кўп эмас. Ваҳоланким, машқ ўтказиш жойлари, ускуналар, ниҳоят мусобақаларда қатнашиш анчагина маблағ талаб этаяпти. Шаҳар бўйича спорт ишларини ривожлантириш учун йиллик харажат 860 минг сўм қилиб белгиланган. Шундан ҳозиргача 91424 сўм ажратилди холос.

— Шу ўринда шаҳардаги корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, фирмаларнинг раҳбарларига спортни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, бахтли келажакни яратиш эканини, бу ишлар кўп жиҳатдан ана шу кишиларга боғлиқ эканлигини эслатиш ўринли бўлармиди...

— Фақат ўрта мактабларда 16346, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 1355, касб-ҳунар мактабларида 1600 нафар ёшлар спорт турлари билан шуғулланадилар. Уларнинг ҳаммаси юқорида айтганимиздай, яхши шароитга, жонкуяр мураббийга муҳтож. Мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари ойлик маошлари камлиги учун бошқа ишга ўтиб кетаётганлиги ҳам юқори натижаларга эришишимизга халал бермоқда. Албатта, ҳар бир ишнинг ўз мутахассиси бўлгани мақбул. Шундай бўлса ҳам ўқувчи ёшларимиз, корхонадаги ишқибозларимиздан икки нафар спорт устаси, 7 нафар спорт усталигига номзодлар, 34 нафар биринчи разрядлилар, 740 нафар оммавий разрядлиларга эгамиз. Улар 2 та футбол майдони, 2 та сув ҳавзаси (ёпиқ), 270та спорт зали, 5 та қўл тўпи, 20 та кичик футбол майдони ва теннис майдонида машқлар ўтказмоқдалар. Бўлғуси таниқли спортчилар, олтин медал соҳиблари, чемпионлар маҳаллалардан, мактаблардан, ана шу майдонлардан чиқадилар.

— Молиявий қийинчилик ҳозир кўпчилик жойларда учраб турибди. Бошқа қийинчиликлар ҳам борми?

— 22368 нафар спортчи рўйхатга олинган жойда шаҳар спорт қўмитаси раиси ёлғиз иш олиб боради. Мутахассис йўриқчи лавозими зарур. Маош кам бўлганлиги учун ҳам айниқса, ташкилот ва корхоналарда мураббийлар, йўриқчилар ўз иши билан банд эмас, турли хил қўшимча вазифаларни бажариб, спорт билан тўлиқ шуғуллана олмаяптилар. Ана шу ўринларда мутахассис кишилар ишласа, доимо ўз ўрнида бўлса, бу муваффақият гарови бўлар эди.

Мустақил давлатимизда спортни ривожлантириш учун тарихий қарорлар қабул қилинди ва катта-катта ишлар амалга оширилмоқда. Қурилган, қурилаётган спорт иншоотлари дунё стандартлари талабларига жавоб беради. Бу албатта, Президентимиз, Ҳукуматимизнинг келажак авлоднинг баркамол кишилар бўлиб, дунёга танилиши учун қилинаётган ғамхўрликларидир.

**Темур ҲАЙДАРОВ.**

